

## ХУКУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ БЕВОСИТА АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАНЛАР ВА МУАССАСЛАР ЎЗARO ХАМКОРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА ТИЗИМИ

*Норқўзиев Ёрқинбек Мамад ўғли  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академияси 3- ўқув курс курсанти*

### АНОТАЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлик тушунчасини, сўнги йилларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид ислохотларни, қонунчилигимизда мазкур органларнинг ҳамкорлигига оид моддалардан келтириб, адабиётларда мавзуга оид жумлаларни ёритиб, мавзуни илмий таҳлил қилган.

**Калит сўзлар:** Ҳуқуқбузарлик, Ҳуқуқбузарликлар профиликтикаси, ҳуқуқий тизим, жамоатчилик тузулмаси, ички идоравий, идоралараро ҳамкорлик, халқаро ҳамкорлик.

### АННОТАЦИЯ

Посредством данной статьи автор провел научный анализ концепции взаимного сотрудничества органов, непосредственно осуществляющих профилактику преступлений, реформ, связанных с профилактикой преступлений последних лет, статей, связанных с сотрудничеством этих органов в нашей законодательства, а также предложения, относящиеся к теме в литературе.

**Ключевые слова:** *Преступность, профилактика правонарушений, правовая система, общественная структура, внутриведомственное, межведомственное взаимодействие, международное сотрудничество.*

### ANNOTATION

Through this article, the author made a scientific analysis of the concept of mutual cooperation of the bodies that directly implement the prevention of crimes, the reforms related to the prevention of crimes in recent years, the articles related to the cooperation of these bodies in our legislation, and the sentences related to the topic in the literature.

**Key words:** *Crime, crime prevention, legal system, public structure, internal departmental, interdepartmental cooperation, international cooperation.*

Жиноятчиликка нисбатан мурасасизлик маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий ниғилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини оммалаштиришга қаратилган, шу жумладан ички ишлар органлари таянч пунктлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва

ташкilotларида «очик эшиклар куни»ни ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш каби тадбирлар амалга оширилмоқда<sup>1</sup>.

Ички ишлар органларининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар негизидаги ҳамкорлик куйидаги белгилар билан ўзига хос хусусиятга эга:

- биргаликдаги фаолиятнинг субъект, объект ва предмети мавжудлиги;
- фаолиятга умумий мақсад, вазифа ва йўналишлари мавжудлиги;
- ўзаро бир бирини тушуниш, ўзаро ёрдам кўрсатиш ва ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланиш;
- ижобий натижаларга эришиш учун интилиш;
- ҳамкорликнинг мукамал (оптимал), ҳар икки томон учун мақбул бўлган шакл ва усуллари қўлланиши;
- ахборот таъминоти ва таҳлилга эгаллиги;
- иштирокчиларнинг ҳамкорликни ташкил этиш учун масъуллиги ва биргаликдаги фаолиятнинг баҳолаб борилиши.

Ички ишлар органларининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар негизидаги ҳамкорлик куйидаги тамойилларга асосан ташкил этилади:

- Конституция ва қонун устуворлиги;
- олдиндан ишлаб чиқилган ва келишилган режа асосида ўтказилиши;
- белгиланган ваколат доирасидан четга чиқмаслик;
- ҳар қандай масалаларнинг уюшқоқлик ва тезкорлик билан ҳал этилиши.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқий асослардан бири Ички ишлар органлари тўғрисидаги қонундир. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасида Ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкilotлар билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларга оид мавжуд материаллар тўғрисидаги ахборотни алмашишни, шу жумладан электрон шаклда алмашишни, шунингдек бошқа ахборотни алмашишни амалга оширади. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкilotлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон Қарори.

қўйиш, уларни фoш этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йуқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида Ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида қўмаклашиши шартлиги кўрсатиб ўтилган<sup>2</sup>

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширишда Прокуратура органлари фаолияти тушунчаси.** Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, аниқланган қонунбузарликлар, сунъий тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича ўзаро яқдиллик асосида амалга ошириладиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йиғиндисидир.

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширишда Солиқ хизмати органлари фаолияти тушунчаси.** Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги 1997 йил 29 август қонунида солиқ органлари давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш, солиқларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш, солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш, пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, соҳага доир аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирув ўтказиб, жиноят ишларини терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш ҳамда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, маъмурий ҳудудда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ундиришда фирибгарлик жиноятларининг содир этилишини олдини олишда ўзаро ҳамкорлик асосида амалга ошириши ва бошқа вазифаларни амалга ошириши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 15-моддасида эса Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилган. Ушбу моддага мувофиқ Давлат солиқ хизмати органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни

иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигининг жуғрофик жойлашувлари бўйича таҳлил қилсак, республикаимиз чегарасига туташиб кетган туман, шаҳар, шаҳарча ёки қишлоқларда профилактика инспекторлари юклатилган вазифаларни амалга оширишда бевосита божхона органлари билан ҳамкорликни амалга оширади.

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширишда Божхона хизмати органлари фаолияти тушунчаси.** Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги, Божхона кодекси, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, божхона тўловларининг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш, божхона назоратидан ўтказилиши шарт бўлган товарлар ва транспорт воситаларининг шундай назоратдан ўтказилишини таъминлаш; божхона чегараси ва унга туташ ҳудудларда ҳуқуқбузарлик, жиноят ва бошқа салбий ҳодисаларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш; божхона чегараси ва унга туташ ҳудудларда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва ҳал этиш, шунингдек содир этилган жиноятларни «иссиқ изи»дан очиш, шу мақсадда суриштирув, тезкор-қидирув тадбирларини олиб бориш, божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишда ўзаро ҳамкорлик асосида амалга ошириладиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йиғиндиси.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 14-моддасида Давлат божхона хизмати органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари, хусусан, уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши белгилаб берилган.<sup>3</sup>

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни
3. 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун электрон мабаа Lex.uz сайти <https://lex.uz/acts/-2387357>

<sup>3</sup> 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун электрон мабаа Lex.uz сайти <https://lex.uz/acts/-2387357>